

## МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА МАТБУОТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДБИРЛАРИ

Ж.Бахтиев

ҚаршиДУ эркин изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7408078>

**Аннотация:** Мақолада матбуот, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда матбуотни ривожлантириш мақсадида давлат томонидан олиб борилган сиёсат ва унинг натижалари ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** Даврий нашрлар, матбуот, газета, журнал. оммавий ахборот воситалари, демократик қадриятлар.

Матбуот ижтимоий онгининг ўткир ва таъсирчан воситаси сифатида матбуот кишилиқ жамиятига доимий ва фаол таъсир кўрсатади, жамоатчилик фикрини шакллантиради, омма онгига муайян қарашларни сингдиришда қудратли ғоявий омил ҳисобланади. Матбуот жамият ҳаётини турли йўналишларини ёритади<sup>1</sup>.

Истиқлол туфайли Ўзбекистон матбуоти тараққиётида ҳам сифат жиҳатидан бутунлай янги — демократик ривожланиш босқичи бошланди. Эндиликда ташкилотлар, партиялар, уюшмалар, айрим жамоалар, фуқаролар ҳам матбуот нашрларини таъсис этиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Мамлакатда матбуот эркинлигини таъминлашга имконият яратила борилди.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари сони 2016 йилга нисбатан қарийб 30 фоизга ортиб, 1962 тага етганлиги, шунингдек, миллий ахборот маконида интернет нашрларининг сони сўнгги 6 йилда салкам икки баробар кўпайиб, 677 тага ошганлиги алоҳида таъкидлаш лозим.

«Натижада давлат ва нодавлат ташкилотларининг ахборот манбалари янада ортиб, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, одамларни ўйлантираётган муаммоларга тезкор муносабат билдириш, турли мавзулар бўйича очиқ, холис ва танқидий фикр билан чиқишда катта имкониятлар пайдо бўлмоқда<sup>2</sup>», — дейилгани бежиз эмас.

Ўзбекистонда миллий матбуотни ривожлантириш, мустақилликдан сўнг янгича руҳдаги нашрларни кўллаб қувватлаш мақсадида кўплаб қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Шу туфайли мустақилликнинг дастлабки йилларида матбуот нашрларининг кўпайиши ва янгидан вужудга келиши кузатилди. Бу жараёнларда давлат томонидан матбуот ва

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси. –Т., 1997.–Б. 279

<sup>2</sup> Шавкат Мирзиёевнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табриги. [https://uza.uz/uz/posts/matbuot-va-ommaviy-axborot-vositlari-xodimlariga\\_385149](https://uza.uz/uz/posts/matbuot-va-ommaviy-axborot-vositlari-xodimlariga_385149)

оммавий ахборот воситалари ходимларини ҳимоялаш ва рағбатлантириш алоҳида аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги Фармонида кўра матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг мустақиллик ғояларини тарғиб этиш, янги демократик жамият қуришда, аҳолини Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги хизматларини эътироф қилган ҳолда, журналистлар ва матбуот ходимларини рағбатлантириш мақсадида 27 июнь матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини этиб белгиланди<sup>3</sup>.

1993 йил 25 августдаги Президент фармонида кўра “Ўзбекистон республикаси матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарма” ташкил топди<sup>4</sup>. Жамғарма газета ва журналлар фаолиятини такомиллаштириш, даврий нашрларни чиқариш ва тарқатиш, шунингдек бозор муносабатларига ўтиш шароитида журналистларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда уларга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилди. Фармонга кўра Республика даврий нашрларининг молиявий ва моддий техникавий базасини мустаҳкамлаш мақсадида жамғармага Вазирлар Маҳкамаси захирасидан 1 миллиард сўм ажратилди<sup>5</sup>. Бу эса ўз навбатида матбуот ходимларини рағбатлантириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб қувватлашга йўл очди.

Жамиятимиз ҳаётини, давлатимизда рўй бераётган воқеаларни борича, рўй-рост халққа етказиш оммавий ахборот воситаларининг вазифасидир<sup>6</sup>. Оммавий ахборот воситаларининг нормал фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, уларни нашр этиш ва тарқатиш билан боғлиқ молиявий ва техник масалаларни ечишда, ижодкорларнинг демократик жараёнда фаол иштирок этиши учун амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ташкил қилинди (1996 йил 30 август). Бу жамғарма оммавий ахборот воситалари вакилларининг

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 24 июндаги “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 7-сон, 276-модда.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 25 августдаги “Ўзбекистон Республикаси матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғармани ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 8-сон, 307-модда.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 25 августдаги “Ўзбекистон Республикаси матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғармани ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 8-сон, 307-модда.

<sup>6</sup> Раҳматуллаев Т. Матбуот ва демократия. Т.2002. –Б 7.

мустақил, ўз-ўзини бошқарувчи, ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилоти ҳисобланади<sup>7</sup>.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш учун очиқ майдон яратилди. Бундай имкониятдан фойдаланиш йўлидаги турли ғовлар: маъмурий, норасмий чекловлар деярли олиб ташланди. Жамиятда ҳар ким ўз фикрини бемалол билдириши, мурожаат ва эътирозлари, таклиф ҳамда шикоятларини эркин ифода этиши учун зарур ҳуқуқий база яратилди ва у такомиллаштирилди. Интернет, ундаги ижтимоий тармоқлар, порталлар, газета-журналлар, ТВ ва радио, хуллас, ахборот етказишнинг барча воситасини, онлайн ва офлайн, анъанавий ва ноанъанавий инструментларни қамраб олди. Шунга яраша инсоннинг сўз ва ахборот олиш эркинлиги, журналистик фаолият эркинлиги кафолатлари тубдан мустақамланди, бундай ҳуқуқларга дахл ёки қаршилик қилганларга нисбатан тегишли жавобгарлик чоралари кучайтирилди<sup>8</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида матбуот соҳасида тузилмавий ислохотлар жадаллик билан амалга оширилди. Энг қийин даврда тузилган Ўзбекистон республикаси матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси матбуот ва оммавий ахборот воситаларини оёққа туришида муҳим рол ўйнади.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Шавкат Мирзиёевнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табриги. [https://uza.uz/uz/posts/matbuot-va-ommaviy-axborot-vositalari-xodimlariga\\_385149](https://uza.uz/uz/posts/matbuot-va-ommaviy-axborot-vositalari-xodimlariga_385149)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 24 июндаги “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 7-сон, 276-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 25 августдаги “Ўзбекистон Республикаси матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғармани ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 8-сон, 307-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 25 августдаги “Ўзбекистон Республикаси матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғармани

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси. –Т., 1997.–Б. 280

<sup>8</sup> Ўткир Раҳмат. Матбуот ҳаёт кўзгуси. Халқ сўзи. 2020 йил 24 июн.

ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 8-сон, 307-модда.

5. Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси. –Т., 1997.–Б. 280
6. Раҳматуллаев Т. Матбуот ва демократия. Т.2002. –Б 7.
7. Ўткир Раҳмат. Матбуот ҳаёт кўзгуси. Халқ сўзи. 2020 йил 24 июн.